



УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИ ХОМТОК ҚИЛИШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧИ ВА ҲОСИЛ СИФАТИГА БОҒЛИҚЛИГИ

¹П.Э.Эгамбердиев

²Ф. М. Хўжақулов

³И.Р. Махмудов

⁴Д.У. Абдураимов

Гулистон давлат университети

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8004422>

ARTICLE INFO

Received: 27th May 2023

Accepted: 01st June 2023

Online: 02nd June 2023

KEY WORDS

Ток, ҳосилдорлик, хомтоқ, новда, куртак, юклама, туп, узум боши, шарбат, эти, уруғ, пўст, қандлилик, кислоталилик коэффиссент.

ABSTRACT

Мақолада узумнинг хўраки навларида хомтоқ қилинганда ҳосилдорликни ва кимёвий ҳамда механик таркиби ўзгариши кузатилди. Мақбул новда ва барглари қолдириш ва ҳосилдорликни ва механик таркиби ошишини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра вош усулида экилган ток тупларига 50 % ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинганда ҳосилдорлик назорат вариантга нисбатан 5,7 % юқори кўрсаткичга ва кимёвий ва механик таркиби энг юқори бўлганлиги аниқланди.

Кириш. Ток навларининг асосий белгиларидан бири бу унинг ҳосилдорлиги, эмбрионал, потенциал ва ҳақиқий ҳосилдорлиги каби хиллари ҳисобланди. Ток турининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари шу йилни ўзида пишиб етилган новдадаги қишлоғчи куртакларида шаклланган новдада ҳосил бўлган тўпгул миқдорига ва уларнинг ўсув давридаги ҳолатини аниқлаш йўли билан белгиланувчи (биологик ҳосилдорлик) куртаклар. Токзорларнинг ҳосилдорлиги тупларнинг куртаклар билан юкланишига пропорционал боғлиқлигини кўрсатишди ва қирқиш пайтида хўраки ва кишмишбоп навлари учун гектарига 300-400 минг куртаклар қолдиришни, хомтоқ қилишда эса 100 дан 200 минггача ҳосил берувчи новдалар қолдиришни таклиф қилишди [3], [4].

Тадқиқот олиб бориш шароити ва услуби. Тажрибалар Тошкент Давлат аграр университетининг “Мевачилик ва узумчилик” кафедраси ва Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган “Карима мурувват Агро” фермер хўжалигида олиб борилди. Тажрибадаги Ризамат навининг 9 ёшли ток тупларида олиб борилди. Тажриба ҳар бир вариантда 3 такрорланишда олиб борилган. Уларда ҳар хил ток тупи куртак юкламалари берилган. Ўтказилган тажрибаларни танлаш, вариантларни жойлаштириш усули умум қабул қилинган усулларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Н.И.Рябова ва В.Л.Виктовскийларнинг [2] услуби бўйича дисперсион таҳлилдан ўтказилди.

Ҳозирги даврда республикада токзор майдонини кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш, узумни қайта ишлаш қувватини кўпайтириш, жаҳон бозори талабларига



жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш каби масалаларга жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса узумчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг тупроқ-иқлим ва иқтисодий шараитларига, навларни тўғри танлаш ва жойлаштиришга, токни ўстириш ва парвариш қилиш, ток тупларига тўғри шакл бериш ва ҳосилдорлигини ошириш омилларидан бири ҳисобланади. Юқори ҳосил олишни, уни сифатини яхшилаш ҳосилдан қандай мақсадда фойдаланишни белгилашда навларнинг аҳамияти жуда катта[1],[5].

Тадқиқот натижалари. Бундан ташқари ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффиценти, новдалар ҳосилдорлиги ва узумнинг механик таркиби энг муҳим навлар белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун экилган ток тупларига куртак юкламасини мақбул миқдорини танлаш ҳосилдорлигини ва механик таркиби юқори бўлиш имконини беради. Булардан ташқари, ток тупи ҳосилдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффиценти ва новдаларнинг ҳосилдорлиги энг муҳим навлар белгиларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, агротехника шароитлари, хусусан, узум навларининг ҳақиқий ҳосилдорлик кўрсаткичига юқори даражада таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Узумни хўраки навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларига хомтоқнинг таъсирини ўрганиш юзасидан ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, Хусайне белый навида бир ҳосилли новдаларнинг энг кўп миқдори 50% ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинганда 35,0% ни ташкил этган бўлса, энг кам ҳосилли новдалар ток тупи 25 % ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинмаган (назорат) вариантда 25,5 % ташкил қилиши кузатилган бўлса, қолган вариантларда ҳосилли новдалар 29,3% дан 31,0% миқдорда бўлиши аниқланди.

Узумнинг хўраки Ризамат навида хомтоқ меъёрини ҳосилли новдаларга таъсири ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичларга эришилди. Ток тупи 25 % ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинмаган (назорат) вариантда битта ҳосилли новдалар сони 30,0 %, иккита ҳосилли новдалар сони 6,0 % ва жами ҳосилли новдалар сони 36,0 % ни ташкил этиши аниқланди. Ток тупининг 50 % ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинганда битта ҳосилли новдалар назорат вариантдан 2,3 %, иккита ҳосилли новдалар 1,3% ва жами ҳосилли новдалар 3,6 % юқори бўлиши қайд этилди. Ток тупида 75% ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинганда битта ҳосилли новда назорат вариантда 0,6 %, иккита ҳосилли новда 0,8 % ва жами ҳосилли новдалар 1,4 % юқори бўлиши кузатилди. Ток тупини 100% хомтоқ қилинганда битта ҳосилли новдалар фози назорат вариантдан 1,8 % кам, иккита ҳосилли новдалар 0,3 % кўп ва жами ҳосилли новдалар 1,5 % кам бўлиши аниқланди. Узумнинг хўраки Катта Кургон навида хомтоқ меъёрини ҳосилли новдаларга таъсири ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичларга эришилди. Ток тупининг 25% ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинган (назорат) вариантда бир новдага тўғри келадиган узумбошлар сони 33,2 %, иккита ҳосилли новдага тўғри келадиган узум бошлар 6,4 % ва жами ҳосилли новдалар 39,6 % бўлиши қайд этилди. Ток тупининг 50 % ҳосилсиз новдалар хомтоқ қилинганда битта ҳосилли новдалар назорат вариантдан 2,3 %, иккита ҳосилли новдалар 0,3 % ва жами ҳосилли новдалар 2,6 % юқори бўлиши кузатилди.

1 –жадвал. Хомтоқ меъёрини узумнинг хўраки навлари ҳосилли новдалар кўрсаткичларига таъсири.



Т/р	Вариант	Ҳосилли новдалар % ҳисобида			Ҳосилли новдадаги узум бошлар сони	Барча новдага тўғри келувчи узум бошлари сони
		битта ҳосилли	иккита ҳосилли	Жами		
Хусайне белыйнави 160-200 дона куртак						
1	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат)	25,5	3,8	29,3	1,2	0,4
2	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	28,5	6,5	35,0	1,2	0,4
3	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	27,3	3,7	31,0	1,1	0,3
4	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	26,7	3,8	30,5	1,1	0,4
Ризамат нави 160-200 дона куртак						
1	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат)	30,0	6,0	36,0	1,2	0,4
2	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	33,0	7,9	40,9	1,2	0,5
3	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	31,9	7,1	39,0	1,2	0,4
4	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	27,3	7,3	34,6	1,2	0,4
Катта Кургон нави 160-200 дона куртак						
1	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат)	33,2	6,4	39,6	1,3	0,6
2	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	35,5	7,7	43,2	1,2	0,7
3	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	33,8	7,2	41,0	1,3	0,6
4	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	31,4	6,7	38,1	1,2	0,5

Ток тупини 75% хомток қилинганда битта ҳосилли новдалар фози назорат вариантдан 0,6 %, иккита ҳосилли новдалар 0,8 % ва жами ҳосилли новдалар 1,4 % юқори бўлди. Ток тупини 100% хомток қилинганда битта ҳосилли новдалар фози назорат вариантдан 0,8% кам, иккита ҳосилли новдалар 0,3 % кўп ва жами ҳосилли новдалар 1,5 % кам бўлиши аниқланди.

Ҳар хил меъёрда хомток қилиш узумнинг Хусайне белый нави узум боши ғужумининг қандлилигига ҳам таъсир кўрсатди. Бунда энг юқори қандлилик –

Хусайне белый нави



2-расм. Хусайне белый навини кимёвий таркибининг хомтоққа боғлиқлиги.

23,7% ва кислоталилик энг паст кўрсаткич 4,2г/л ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда аниқланди. Ушбу вариантда ғужум шарбатининг қандлиги 25% ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат) вариантдан 3,8% қандлиги юқори, кислоталиги 0,7 г/л бўлди. Қандлиги 75% ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда назорат вариантдан 3,4%, кислоталиги 0,6 г/л кам бўлиши қайд этилди. Ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган вариант назорат вариантдан қандлиги 2,8 % кўп ва кислоталиги 0,5 г/л кўп бўлиши аниқланди

Узумнинг хўраки Ризамат навининг кимёвий таркиби ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди

Ризамат нави



3-расм. Ризамат навини кимёвий таркибини хомтоққа боғлиқлиги.

Ток тупини 25 % ҳосилсиз новдалари ҳомток қилинган (назорат) вариантдан қандлилиги 19,2% дан юқори, кислоталилиги эса 4,6 г/л кам бўлиши қайд этилди.

Ток тупини 50 % ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 4,3 % юқори, кислоталилиги 0,6 г/л кам бўлиши кузатилди. Ток тупини 75 % ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 3,9 % кўп, кислоталилиги 0,5 г/л кам бўлди. Ток тупини 100% ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 3,4 %, кислоталилиги 0,4 г/л кам бўлди.

Узумнинг хўраки Катта Кургон навининг кимёвий таркиби ўрганлиганда қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлди. Ток тупини 25 % ҳосилсиз новдалари ҳомток қилинган вариантдан қандлилиги 21,7 %, кислоталилиги эса 3,6 г/л бўлиши қайд этилди.



3-расм. Катта Кургон навини кимёвий таркибини ҳомтоққа боғлиқлиги.

Ток тупини 50 % ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 0,9 % юқори, кислоталилиги 0,5 г/л кам бўлиши кузатилди. Ток тупини 75% ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 0,7 % кўп, кислоталилиги 0,4 г/л кам бўлди. Ток тупини 100% ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинганда қандлилиги назорат вариантдан 0,7 % кам, кислоталилиги 0,1 г/л кўп аниқланди.

Хулоса

1. Ҳосил берган новдаларга тўғри келувчи узум бошлар ҳосилсиз новдалар 50 % ҳомток қилинганда назорат вариантда Хусайне белый навида 20%, Ризамат навида, 28,9% ва Катта Кургон навида 18,9 ҳосилли новдалар кўп бўлиши кузатилди.
2. Ток тупларининг ҳомток қилишни кимёвий таркибига таъсири ўргалилганда Хусайне белый нави ток тупида 50% ҳосилсиз новдалар ҳомток қилинган вариантда назорат вариантга нисбатан қандlilik 5,2 % юқори, кислоталилик эса 0,9 г/л кам бўлди, Ризамат навида эса қандlilik назорат вариантга нисбатан 4,6% юқори кислоталилик эса 0,9 г/л кам бўлиши кузатилди. Катта Кургон навида назорат



вариантга нисбатан қандилик 3,3% юқори, кислоталилик эса 0,7 % кам бўлиши аниқланди.

References:

1. Темуров Ш. Узумчилик – “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, давлат илмий нашрети, Тошкент-2002. 174-175-б.
2. Рябова Н.И, Виктовский В.Л. Изучение сортов винограда (Методические указания), Ленинград, 1998 г. с -22-28.
3. Арутинян А.С.Удобрение виноградников. Москва “Колос”1983-С-43-45.
4. Джавакянц.Ю.М., Горбач. В.И., Виноград Узбекистана. «Шарк»-2001-с-42-44.
5. Абдуллаев Р.М., Мирзаев М.М., Набиев У.Я., Аббасов Ш.М., Бекчанов., Махмудов Ғ.Ғ. Узум етиштириш ва майиз қуритишнинг замонавий технологияси. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахрирати. Тошкент-2013-22-41-б.
6. Adhamov A., Ungarov A., Jo'lbekov I. PROSPECTS OF USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN AGRICULTURAL SECTOR DEVELOPMENT //Journal of Agriculture & Horticulture. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 13-15.
7. Ungarov A. INNOVATIVE METHODS OF FRUIT AND VEGETABLE PROCESSING //International Conference On Higher Education Teaching. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 107-109.
8. Рахматов О. и др. Разработка трёхвалкового аппарата для пластификации вяленой дыни //Наука, техника и образование. – 2019. – №. 9 (62). – С. 41-43.
9. Egamberdiev, P. E., Khojaqulov, F. M., Xudoyberdiev, R., Bababekov, U. J., Botirova, D., & Suyunov, S. K. (2021). The effects of the buds to yields, mechanical and chemical compositions in the process of cultivation of “white husayni” varieties of grapes by the method of “voish”. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 740-745.
10. Mamatova Y., Jo'lbekov I., Adhamov A. QURITISH UCHUN MO'ljALLANGAN UZUM NAVLARINI TOVAR VA TEXNOLOGIK SIFATI TAHLILI //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 97-99.
11. Курбонов Э. ОБОСНОВАНИЕ ШИРИНЫ МЕЖДУСЛЕДИЯ ЗУБЬЕВ РЫХЛИТЕЛЯ НАВЕСНОГО БОРОНОВАЛЬНОГО АГРЕГАТА //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 997-1002.
12. Tukhtamishiev S., Xudayberdiyev R., Tukhtamishova G. MECHANIZED APPARATUS FOR CUTTING MELON FRUIT INTO ANNULAR SLICES //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. A1. – С. 252-255.
13. Ermatov V. QO 'LLANILADIGAN ROTATSION ISH ORGANNING TUPROQNI SURUVCHI VA TUPROQQA ILASHUVCHI PICHOQLAR SONINI ANIQLASH //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 3 Part 2. – С. 37-41.
14. Ermatov, V., Batirov, B., Jumanov, E., & Usmanov, A. (2023). MUQOBIL ENERGIYA MANBALARIDAN VA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING XOZIRGI KUNDAGI O 'RNI VA ISTIQBOLLARI. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 3(3), 29-32.